

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Маҳалла раиси сайлови қандай ўтказилади?

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида маҳалла раислари сайловига бағишланган онлайн ўқув-семинари бўлиб ўтди.



Янги тартибга кўра, фуқаролар йиғини раисларининг ваколат муддати беш йилга узайтирилди. Бушаб қолган ўринларга ҳам раислар шунча муддатга сайланиши белгиланди. Мазкур тартиб амалга киритилгунига қадар сайланган раислар ўз ваколатларини уч йиллик муддат тугагунига қадар амалга оширади.

Семинарда сайлов билан боғлиқ юқоридаги каби ўзгаришлар, “Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида”ги қонуннинг мазмун-моҳияти, сайловнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартиби ҳақида фикрлашилди. Фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссиялари аъзоларига зарур тушунчалар берилди.

Жараёнда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш институти профессор ўқитувчилари, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курси спикерлари тақдиротлар қилишди. Бундай семинарларни келгусида доимий равишда давом эттиришга келишиб олинди.



МАҲАЛЛАЛАРДА “ДОЛЗАРБ БИР ОЙЛИК” САФАРБАРЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

“Маҳаллаларда томорқалардан самарали фойдаланишни ташкил этиш орқали аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга қаратилган ишларни янада жадаллаштириш тўғрисида”ги Президент фармойиши имзоланди.

Хужжатга асосан, жорий йил 11 мартдан бошлаб “долзарб бир ойлик” сафарбарлиги эълон қилинди. Унинг доирасида маҳаллаларда 29 мингта кичик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва хунармандчилик лойиҳалари амалга оширилади. Аҳоли хонадонларига 1,23 миллион бош парранда, 24 минг оила асалари, 21 минг бош чорва етказиб берилиди. 400 минг гектар аҳоли томорқаларида ҳамда 180 минг гектар ижара ер майдонларида сабзавот, полиз, картошка, дуккаки ва бошқа сердаромад экинлар экилади.

Раҳбарларга ҳудуд,

туман ва шаҳарлар бириктирилади, уларнинг зиммасига ҳокимликлар, “маҳалла еттилиги” ва маҳалла банкирлари билан биргаликда қатор вазифалар юкланади. Хусусан, ҳар бир маҳаллада етакчи тadbиркорларни бириктириш орқали аҳоли томорқаларида “Бир маҳалла — бир маҳсулот” ҳамда ижара ерларда “Бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида сердаромад экинлар экилади.

Маҳаллаларда ободонлаштириш ишлари, оммавий хашарлар ташкил этилади. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида, шунингдек, камбағал оилалар хонадонларига кўчатлар ўтқазилади.

Мини-трактор ва мотокультиватордан фойдаланган ҳолда, аҳоли томорқалари экин экишга тайёрланади, уларга уста деҳқонлар ва агрономлар бириктирилади. Сув таъминоти оғир бўлган 874 та маҳаллани суғориш тизими билан таъминлаш бўйича лойиҳалар тайёрланади.

Камбағал оилалар аъзолари ҳамда ишсиз фуқароларга молиявий кўмак пакетлари (ишчам иссиқхона, парранда, балиқ, чорва моллари, асалари қутилари, лимон, хурмо ва бошқа экинларнинг уруғ ва кўчатлари) тақдим этилади. Аҳоли даромадини оширишга қаратилган микролоийҳалар амалга оширилади.

Фармойишга мувофиқ амалга ошириладиган ишларга маҳалла аҳолиси уюшқоқлик билан жалб қилинади. Муборак Рамазон ойида саховатпеша фуқароларнинг хайрия ва эҳсонлари камбағал оилаларнинг даромадларини ошириш, маҳалла инфратузилмасини яхшилашга йўналтирилади.

БУГУНГИ СОНДА:

“Ҳар қандай мукофот, аввало, эл-юрт эътирофи, Ватан ишончидир”

Бугун “маҳалла еттилиги” ходимлари кўп масалаларни ўзимиз ҳал этияпмиз. Муаммоларни давлат бошқарув органлари олдига қўйиб, ечим топяпмиз. “Маҳалла бюджети”га эга бўлдик.

3-с.

“Еттилик” ҳулосаси бўлса-да, кредит ажратиш қийин кечяпти”

Баъзи ҳолатларда тadbиркорлик қобилияти бор фуқароларга “еттилик” ҳулосаси берилса-да, банклар турли важ-қарсонлар билан кредит ажратишни пайсалга солишяпти.

4-с.

Профилактика инспектори “боди камера” билан таъминланади

Ҳар бир маҳалладаги профилактика масканлари кузатув камераси ва ҳар бир инспектор “боди камера” билан таъминланиб, ҳуқуқбузарликларни рўйхатга олиш бўйича янги платформа ишга тушади.

5-с.

“Ижтимоийлашган кўча” лойиҳаси маҳаллага қандай хизмат кўрсатади?

Ҳар бир хонадонга алоҳида ёндашилади. Кўча ва томорқаларни ободонлаштириш масаласига алоҳида урғу берилади. Одамларнинг фаоллигини ошириб, бандлигини таъминлашга кўмаклашамиз.

6-с.

Маҳаллада одамлар билан ишлаган ёшлар раҳбар бўлади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида иштирок этди.

Коррупцияни таг-томири билан қуритиш учун, аввало, инсон омили ва қоғозбозликни камайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, ерни ҳоким қарори билан ажратишдан тўлиқ воз кечилиб, аукцион тизимига ўтилгани натижасида бу тизим халқчил бўлди. Бугун барча банклар 100 миллион сўмгача маиший кредитларни инсон омилсиз 5 дақиқа ичида онлайн беряпти. Натижада олдин бу иш билан шуғулланган минглаб банкирлар энди маҳаллага тушиб, одамларга лойиҳа, кредит таклиф қилиб, мижозини кўпайтириш устида ишлаяпти.



Маҳаллада одамларнинг муаммосини ўз кўзи билан кўриб, ҳал қилган ёшлар орасидан раҳбар кадрлар танлаб олинади.

Кадрларни баҳолашда эски намунадаги “объектив-ка”дан воз кечиb, илғор “IT” технологиялар асосида ходимнинг малакаси ва салоҳияти, эришган натижаларини баҳолайдиган тизимга ўтилади. Ла-

возимга қўйишда ходимнинг қайси олийгоҳни битиргани ёки қаерда ишлагани эмас, қандай билим-тажрибага эга-лиги ва кўрсатган натижалари асосий мезон бўлади. Бу борада номзоднинг камчиликлари билан бирга, яхши тарафлари-ни ҳам ҳолисона айтиш керак. Бундан буён маҳаллада одамлар билан ишлаган, уларнинг муаммосини ўз кўзи билан кўриб, ҳал қилган ёшлар орасидан раҳбар кадрлар танлаб олинади.

Коррупциявий тижноятларнинг 75 фоизи туман ва маҳаллада маиший коррупция шаклида содир этиляпти. Давлатимиз раҳбари коррупцияга

қарши кураиш умуммиллий вазифа, ҳар бир ватанпарвар юртдошимизнинг виждон иши эканини таъкидлади.

— Ҳаммамиз ягона куч бўлиб ҳаракат қилсак, албатта, катта ижобий самарага эришамиз. Шу боис маҳалла фаоллари, нурунийлар, зиёлилар, ёзувчи ва шоирлар, санъат ва маданият ходимлари, тadbиркорлар, таниқли шахслар, раҳбарлар, депутат ва сенаторлар — умуман бутун жамоатчилик бирлашиб, коррупцияга “жамият танасидаги саратон” сифатида қараши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Умуман, илк маротаба бундай тарзда йиғилиш ўтказилиши коррупцияга қарши кучли сиёсий иродани намоён этди. Давлатимиз раҳбари 55 та аниқ мақсадга йўналтирилган ташаббусларни илгари сурди.

ЖАРАЁН

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ

БЎЛГАН АЁЛЛАР

7-с.



Президентимиз Миср, Италия, Қирғизистон, Беларусь, Грузия ва Туркия элчиларидан ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ қабул қилди.



Шавкат Мирзиёев Грузия Бош вазири Ираклий Кобахидзе бошчилигидаги ДЕЛЕГАЦИЯ БИЛАН УЧРАШДИ.



Давлатимиз раҳбари ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ бош котиби Нурлан Ермеқбаевни қабул қилди.

МИНБАР

КЕЧА ВА БУГУННИНГ МАНЗАРАСИДА НАТИЖА ВА ЮТУҚЛАР ЯҚҚОЛ АКС ЭТАДИ



Барно ШАҲЗОДАЕВА,
Андижон шаҳридаги
“Маданият” маҳалласи раиси.

Маҳалла тизимида уч йилдан бери ишляпман. Шу давр ичида соҳада катта ислохотлар амалга оширилди. Айниқса, сўнги вақтдаги ўзгаришлар маҳаллани чин маънода халқ ва давлат ўртасидаги кўприкка айлантirdи. Кеча ва бугунни, ўтмиш ва ҳозирни солиштирганда, бу жиҳат яққол кўзга ташланади. Масалан, моддий ёрдам ва бола пули тайинлаш инсон омилсиз бажарилиши ортқча оворагарчилик, турли коррупцион ҳолатларга чек қўйди. Энди ҳар қандай масала, мурожаат “еттилик” ходимлари ҳамкорлигида ҳал этиляпти. Бу ислохотларни маҳаллада яшовчи 4 230 нафар аҳолининг ҳар бири ўз тақдирда ҳис этяпти.

Мисол учун, ўтган икки йилда ичимлик ҳамда оқова сув билан таъминлаш, электр таъминотини яхшилаш, газ ёқилгисини узлуксиз етказиб бериш, ички автомобиль йўллари, пиёдалар йўлаклари қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, йўл бўйларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш билан боғлиқ тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Халқпарвар, Анорзор 4-тор кўчаси, Обод, ва Обод тор кўчаларидаги 2 км. ички йўл асфальтланди. Анор-

зор кўчасига 300 метр ичимлик сув тармоғи тортилди.

Аҳоли саломатлигини сақлаш, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш мақсадида 7-оилавий поликлиника билан ҳамкорликда спорт-соғломлаштириш соатини ўтказиб келаямиз. Пиёда юриш, бадантарбия машқлари бажарилляпти. Тибиёт ходимлари 12 та кўчада уйма-уй юриб, тарғибот ишларини олиб борапти.

Ўз навбатида ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш тизим ходимлари зиммасидаги бирламчи вазифага айланган. Ҳар бир мутахассис йўналишидан келиб чиқиб, ишляпти. Масалан, 2024 йил бошидаги хатловда 68 нафар ишсиз рўйхатга олинган эди. 2025 йил бошида бу рақам 27 тани ташкил этди. Ҳозирга келиб, яна 11 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди. 13 нафари ўзини ўзи банд қилди.

Ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан кредит олиб, томорқада иссиқхона қурган, тадбиркорлик фаолиятини бошлаганлар кўпчиликини ташкил этади.

Танзила Жалолованнинг томорқасида иссиқхона қуриш имконияти бору, моддий шароити етишмасди. Қизиқиши ва қобилиятини ўргангандан кейин имтиёзли кредит учун тавсия бердик. Бугун бу маблағ эвзасига бунёд этилган иссиқхонада помидор, бодринг экиб, юқори ҳосил оляпти. Энг муҳими, оила камбағалликдан чиқди.

Моҳидил Акбаровга зарур кўмак кўрсатилгач, нодавлат мактабгача таълим ташкилоти очди. Машхурбек Сайдуллаев заргарлик дукони ташкил этди. Анорзор кўчасида яшовчи Муяссар Тўрақулова хонадонида иш бошлаган маҳалла иссиқхонасида 5 та иш ўрни яратилди. Давлатнинг кучи ва қудратини белгилловчи омиллардан энг муҳими — аҳолининг ижтимоий ҳимоясидир. Шу маънода 2024 йил 1 июндан ижтимоий ҳимояга муҳтожларни аниқлаш тартиби ва улар билан ишлаш тизими ўзгарганини таъкидлаш ўринли. Биз ҳам оиладаги муаммо ва имкониятларни ўрганиб, уларнинг “ижтимоий портрети”ни яратяпмиз. Шу асосида зарур кўмак кўрсатилляпти.

Этиҳжманд ҳамда оғир шароитда яшовчи Одина Ахророва, Гулсанам Убайдуллаеваларга моддий ёрдам ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Бундан ташқари, Обод кўчасида яшовчи Зоҳида Ортиқованинг фарзанди Мухаммадали Камоловнинг суннат тўйини ўтказиб бердик. Неъматилло Ғойибназаров ҳамда Иноятилло Умаровнинг хонадони бахтсиз ҳодиса сабабли ёниб кетганди. Ҳар икки уй таъмирлаб берилди.

2025 йилда қатор режалар белгилаб олганмиз. Улардан бири — ички кўчаларнинг 800 метр қисминини асфальтлаш. Насиб этса, жорий йилда шу каби муаммоларга ечим топиб, янада самарали натижадан умидвормиз.

ТОЗАЛИК ВА ОБОДЛИККА БАРЧА САФАРБАР

Жиззах шаҳридаги “Олмазор” маҳалласида ҳар шанба — тозалик ва ободонлаштириш кунини сифатида белгиланди. Шу кунини фуқаролар ўз хонадони, кўчаси, маҳалланинг ободлигига ҳисса қўшяпти.



8 та кўча асфальтланди. 10 дан ортиқ кўчада шағаллаш ишлари давом этяпти. Хонадон томорқалари тартибга келтирилиб, қўшимча экин экиляпти. Дарахтларга шакл берилляпти. Тозалик ва ободонлаштириш кунини кўтаринки руҳда ўтказиш учун кўчабошилар, отахон-онахонлар фаоллик кўрсатяпти.

Этиборлиси, маҳаллада бошланган бу ташаббус шаҳар миқёсида оммалашяпти. Жумладан, “Заргарлик” маҳалласида кўп қаватли уйлар ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш тизимли равишда амалга ошириляпти. “Ўратепалик” маҳалласида ҳам ободонлаштириш ва тозалаш ишлари бажарилди. Ўшбу эзгу тадбир давомида “Нижонлик” масжид ҳудуди ва унинг атрофидаги йўл тартибга келтирилди.

— Бош мақсадимиз — ҳар бир хонадон, кўча ва маҳаллани обод қилиш, — дейди “Олмазор” маҳалласи раиси Норбуви Шамсиева. — 24 та кўчанинг барчасида “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонларини жорий этишда ҳашар ташкил этиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга ошириляпти.

МЕНДА САВОЛ БОР...

САЙЛОВДА ҚАНДАЙ МАЪЛУМОТЛАР ОЧИҚ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ?

Нуриддин ДАРМОНОВ.
Тошкент шаҳри:

Баҳром КУШБАКОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъул ходими:

— Маҳалла раиси сайлови ошкоралик тамойили асосида ўтказилиши белгиланган. Бу жараёнда қандай маълумотлар очик-ошкора эълон қилиб борилиши лозим?

— “Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига кўра, маҳалла раиси сайловини ташкил этиш ва ўтказишнинг асосий принципи сифатида ошкоралик белгиланган. Яъни, жараён очик ҳамда ошкора амалга оширилади. Сайлов ташкил этилаётганда ҳамда ўтказилаётганда сана, вақт ва жой тўғрисида фуқаролар воқиф этилади, номзодлар ҳақида, овоз бериш яқунлари тўғрисида хабардор қилинади. Ахборот расмий веб-сайтларга сайлов ўтказилишидан камида беш кун олдин жойлаштирилади. Жараён оммавий ахборот воситалари томонидан ёритиб борилади. Сайлов муқобиллик асосида, раис лавозимига икки ва ундан кўп номзод кўрсатилган ҳолда амалга оширилади.



Кимлар имтиёзли картадан фойдалана олади?

Жамоат транспортидан фойдаланишда инсон омилсиз тўлов тизими йўлга қўйилганидан хабарингиз бор. Бу жараёнда тўлов турлари қаторида “АТТО” транспорт картасидан фойдаланиш мумкин.

Тошкент шаҳри жамоат транспортидан фойдаланишда йўл ҳақини тез ва қулай тарзда тўлаш имконини берувчи ушбу карта “Тошшаҳартрансизмат” АЖнинг барча автобусларида ва “Тошкент метрополитени” ДУКнинг ерости ва ерусти бекатлари вестибюлидаги барча турникетларда қабул қилинади.

Кейинги пайтда йўловчилар томонидан йўл ҳақини транспорт картаси ёрдамида тўлашда имтиёз борми, деган савол кўп берилляпти. Шу сабабли “Тошкент метрополитени” ДУК матбуот котиби Тўйчи Мирзаев билан боғланиб, саволларга жавоб олдик.

— Имтиёзли транспорт



картаси ўқувчилар, талабалар, нафақахўрлар ва ногиронлар учун махсус тариф харид қилинган тақдирда, жамоат транспортидан 50 фоиз чегирма билан ҳақ тўлаш орқали фойдаланиш имконини беради, — дейди Тўйчи Мирзаев. — Карта фойдаланувчининг шахсий маълумотлари ҳамда унинг жамоат транспортидан имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжати рақам (мактаб, лицей, таълим муассасасидан олинган маълумотнома, талаба гувоҳномаси рақами, ногирон ёки нафақахўр гувоҳномаси)га боғланган.

Айни пайтда жамоат транспортидан имтиёзли саёҳат қилиш ҳуқуқига эга йўловчилар учун уч турдаги транспорт карталари —

ўқувчилар (яшил), талабалар (сарик), пенсиядагилар ва ногиронлар учун ижтимоий карталар (қизил) жорий этилган.

Картани олиш учун мактаб, лицей ва бошқа ўрта таълим муассасалари ўқувчилари туғилганлик ҳақида гувоҳнома (16 ёшдан кичиклар учун) ёки паспорт, 16 ёшдан кичик бўлган ўқувчилар учун ота-она (васий) паспортининг нусхаси, таълим муассасасидан маълумотнома керак бўлади.

Олий таълим муассасалари талабалари паспорт, талабалик гувоҳномасининг нусхаси, пенсиядагилар паспорт ва пенсия гувоҳномаси тақдим этишлари лозим.

Шу ўринда қўшимча қилиб кетиш керакки, нафақахўрлар пенсия гувоҳномасини кўрсатганда метродан бепул фойдалана олади. Қизил рангли карта фақат автобусда ишлатилади.

Ушбу транспорт карталари махсус тариф режалар асосида йўлқира ҳақини 50 фоиз чегирма билан тўлаш имкониятини тақдим этади. Бу нафақат маблағни тежашга, балки саёҳатларни янада қулай ва самарали қилишга ёрдам беради.

Мақсадбек ФАЙЗ.



Махсус иқтисодий ва саноат зоналари фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ қабул қилинди.



ЯНГИ ҚОНУНГА КЎРА, энди шахс ўзи билан кредит битимини тузишни кредит бюросига ариза киритиш орқали тақиқлаши мумкин.



Президент фармонида асосан, республикадаги мавжуд 8 миллиондан ортиқ турар ва нотурар жойлар, 7 миллионга яқин ер участкалари ОММАВИЙ БАҲОЛАНАДИ.



МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?


“БИР КЎЧА — БИР МАҲСУЛОТ” ТАМОЙИЛИ БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Гулистон шаҳар бўлими ташаббуси билан “Бир кўча–бир маҳсулот” тамойили асосида мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти йўлга қўйилган “Баҳор” маҳалласига пресс-тур уюштирилди.

Иштирокчилар Ёшлар кўчасида истиқомат қилаётган аҳоли хонадонларидаги иш жараёни билан танишди.
– Мазкур ташаббус маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳоли учун янги иш ўринларини яратиш ва иқтисодий натижадорликни таъминлашга қаратилган муҳим қадам бўлди, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Гулистон шаҳар бўлими бошлиғи Азизбек Аҳмедов. — 3 890 нафар аҳоли истиқомат қилаётган “Баҳор” маҳалласи аҳолисининг асосий фаолият тури — чорвачилик, паррандачилик, томорқачилик, боғдорчилик, иссиқхоначилик. Энди улар қаторига тикувчилик, мебелчилик, қандолатчилик, новвойчилик йўналишлари қўшилди. Бундан ташқари, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланипти. “Бир кўча – бир маҳсулот” тамойили асосида ишсизлик ва камбағаллик қисқартириляпти. Мисол учун, ўтган йили 141 нафар эҳтиёжманд рўйхатга олинган бўлса, уларнинг 70 нафари реестрдан чиқарилди. Яъни, бир ташаббус ортидан 70 та янги иш ўрни яратилди.

Тадбир доирасида Ёшлар кўчасидаги “Шухрат мебель”, “Шахло мебель” оилавий корхоналари фаолияти билан танишилди. Илғор тажрибаларни оммалаштиришга келишиб олинди.

Назира МАҲҚАМОВА.
Сирдарё вилояти.



ТАЪТИЛГА ҚАЙСИ ОЙДА ЧИҚИШ БЕЛГИЛАНГАН?

Рисолат БОЙ-ТЎРАЕВА,
Миришкор тумани:

— Жорий йил январь ойида ишга қабул қилиндим. Агар меҳнат таътилига чиқсам, ҳар йили шу ойда таътил бериладими? Ёки бошқа ойда ҳам имкониятдан фойдалансам бўладими?

Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ,
“Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

— Ходим қайси ойда ишга кирган бўлса, ўша ойда таътилга чиқади, деган қоида йўқ. Меҳнат кодексининг 225-моддасига кўра, иш йили деб муайян иш берувчида ўн икки ойга тенг бўлган ва ҳақиқатда иш бошланган санадан эътиборан ҳисоблаб чиқариладиган давр тушунилади.

Меҳнат кодексининг 230-моддасига асосан, меҳнат таътили ҳар йили иш йили тугагунга қадар берилиши керак. Масалан, ходим 2023 йил сентябрь ойида ишга кирган бўлса, 2024 йил сентябргача таътилга чиқиши шарт.

Жадвалда белгиланган вақт ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан ўзгартирилиши мумкин. Бундан ташқари, олти ой ўтгунга қадар ходимнинг хоҳишига кўра, қуйидагиларга ҳар йилги меҳнат таътили берилади:

- аёлларга — ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан олдин ёки кейин;
- ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ (ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган) болани тарбиялаётган шахс (ёлғиз ота-онага, шу жумладан бева аёлларга, бева эркакларга, никоҳдан ажралганларга, муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига, ота-онанинг ўрнини босувчи)ларга;
- ўн саккиз ёшдан кичик бўлганларга;
- заҳирага бўшатирилган ва кейин уч ойдан кечиктирмай ишга кирган муддатли ҳарбий хизматни ўтаган совиқ ҳарбий хизматчиларга;

- 1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари бўйича уларга тенгласштирилган шахсларга;
- I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимларга;
- ишдан ажралмаган ҳолда таълим ташкилотларида ўқиётганларга, агар улар ўзининг ҳар йилги меҳнат таътилин имтиҳон, синав топшириш, битирув малакавий ишини, магистрлик диссертациясини, курс, лаборатория ва бошқа ўқув ишларини бажариш вақтига тўғрилаб олишни хоҳласа;

- жамоа келишувларида, шунингдек, жамоа шартномасида ёхуд ички ҳужжатларда белгиланган ҳолларда бошқа ходимларга.

“Ҳар қандай мукофот, аввало, эл-юрт эътирофи, Ватан ишончидир”

ЭЪТИРОФ

БУГҲУН МЕНДАН БАХТЛИ ИНСОН БЎЛМАСА КЕРАК. ҚАЛБИМ КҮВОНЧ ВА ҲАЯЖОНГА ТЎЛА. САБАБИ, “8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-КИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИГА КЎРА, “ШУҲРАТ” МЕДАЛИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИМ.



Гавҳар ТОЖИХОНОВА,
Марҳамат туманидаги “Янги ҳаёт” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Мендек оддий бир кишлоқ аёлининг меҳнатлари эътироф этилиши, тўғриси, инсонни фахрлантиради.

Мазкур вазифада 2022 йилдан бери ишлаб келяпман. Фаолиятим давомида ҳудудда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш орқали оилалар даромадини оширишга ҳаракат қиялман.

Утган давр мобайнида ҳудуддаги 907 та хонадонга бирма-бир кириб, оилаларнинг яшаш шароити, ижтимоий аҳоли, муаммо ва тақлифларини чуқур ўргандик. 4 792 нафар аҳолини тўлиқ хатловдан ўтказиб, улар орасидан 130 та эҳтиёжманд оилани ажратиб олдик. Шу асосида кўмак беряпмиз.

Айниқса, фаолиятимда 2024 йил бориши палласи бўлди. Чунки аҳолининг турмуш даражасини ошириш, даромадини кўпайтириш борасида муҳим қадамлар ташланди. Ишсизлик

ва камбағалликни қисқартириш бўйича қабул қилинган дастурлар натижасида янги иш ўринлари яратдик. Ҳудуд обод ва кўркамлиги таъминланди. Хусусан, маҳалла раиси бошчилигида мева ва манзарали кўчатлар экдик. Кам таъминланган оилага ҳомийлар кўмагида озиқ-овқат маҳсулотлари ва моддий ёрдам берилди.

Келинг, буни рақамлар орқали кўриб чиқайлик. Биргина тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, кичик ва ўрта бизнесни рағбатлантириш йўналишида 2.9 млрд. сўм имтиёзли кредит, 182 млн. сўм субсидия маблағи ажратилди. Натижада 27 та янги

тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, 132 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди. Шунингдек, 42 нафар аҳоли касб-хунарга ўқитилди. Қалмоқбулоқ кўчасида узумзор ташкил қилиб, хонадонларда яшовчи ишсизлар бандлиги таъминланди. Миграциядан қайтган 82 нафар фуқаронинг 14 нафари касб-хунарга ўрганилди. Бундан ташқари, 77 та хонадонга иссиқхона қуриб бердик. 22 та оилага тикув машинаси, 35 та хонадонга парранда тарқатилди. Бундан ташқари, 136 нафар ишсиз фуқарога ер майдони берилди. Битта хонадонда тунукасозлик устaxonаси ташкил этилди.

Маҳаллада етакчи тадбиркор орқали эҳтиёжмандларни қўл-

лаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратишга эришяпмиз. Мисол учун “драйвер”имиз — тадбиркорлик бўлгани учун, Лочиной Мама-шариповага имтиёзли кредит ажратдик. “Устоз-шогирд” анъанасига кўра, туман бандлик бўлими билан ҳамкорликда “Аёллар дафтари”га қиритилган 10 нафар ишсизнинг бандлиги таъминланди.

Бир сўз билан айтганда, маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатларининг кенгайтирилиши, ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ролининг оширилиши самарасини ҳар бир инсон ўз тақдирида ҳис қилмоқда.

Бугун “маҳалла еттилиги” ходимлари кўп масалаларни ўзимиз ҳал этияпмиз. Муаммоларни давлат бошқарув органлари олдида қўйиб, ечим топяпмиз. “Маҳалла бюджети” шаклланиб, ўз маблағимизга эга бўлдик.

Президент фармони билан берилган юксак мукофотни барча маҳалладошларимизники деб биламан. Бунинг учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдираман. Ҳар қандай мукофот, аввало, эл-юрт эътирофи, Ватан ишончидир. Мана шу ишончни оқлашга ҳаракат қиламан.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

Баҳорги тадбир тўғри бўлса, ҳосилдорлик ортади

Баҳор фасли экин-тикин даври ҳисобланади. Айни вақтда кўчатларни тўғри экиш ва парвариш қилиш келгусида юқори ҳосил гаровидир. Қуйида помидор бўйича тавсиялар билан таништирамиз. Зеро, бу сифатли ҳосил олишда ёрдам беради.

Аввало, тўғри ер танлаш ва тайёрлаш лозим. Помидор қуёшни яхши кўради, шунинг учун очик ва шамолдан ҳимояланган ерга экиш керак. Тўпроқ таркиби енгил, ҳосилдор, намлиқни яхши ушлаб турадиган бўлиши муҳим. Экишдан аввал чириндили ва фосфорли минерал ўғит солиш тавсия этилади.

Кейинги босқичда кўчатларни экиш усулига эътибор бериш зарур. Улар 15–20 см. бўлиб, 5–7 та барг чиқарганда экилса, яхши натижа беради. Катта оралиқ (40–50 см.)лар ҳаво айланишини



яхшилайдиган, касаллик камайдиган. Чуқурроқ экиб, илдиз қисмини яхши сувлаш керак.

Ўз навбатида суғориш ва озиқлантириш ҳам муҳим. Кўчатни кам-кам сувлаш тавсия этилади. Ҳар 10–15 кунда бир марта органик ёки минерал ўғитлаш керак. Ҳуллаган вақтида азотли ўғитни камайтириб, калийлисини солиш лозим.

Боғлаш ва кесиш жараёнида узун навлиларни боғлаш керак. Акс ҳолда улар ерга ётиб, меvasи чирийди. Ортиқча новдаларни олиб ташлаш мева сифати ва ҳосилдорликни оширади.

Алижон ЭСОНҚУЛОВ,
Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти директори.



Ўзбекистон ва Германия Ҳукуматлари ўртасида МИГРАЦИЯ ВА МОБИЛЛИК соҳасида кенг қамровли шериклик тўғрисидаги битим тасдиқланди.



Қурилиш майдонларида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этмаганлик учун ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНДИ.



Экология вазирлиги 2024 йилда 600 минг тупдан ортиқ ДАРАХТЛАР КЕСИЛИШИНИНГ олди олинганини маълум қилди.

“Еттилик” хулосаси бўлса-да, кредит ажратиш қийин кечяпти

“МАХАЛЛА ЕТТИЛИГИ” ТАШКИЛ ЭТИЛИБ, ЙИҒИНЛАРГА СОЛИҚ ИНСПЕКТОРЛАРИ БИРИКТИРИЛГАН. ЭНГ ҚУЙИ ТИЗИМ — ҲАР БИР ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИ ВА ХОНАДОНГА КИРИБ БОРИБ, УЛАРНИ СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ, ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИАТЛАР ҲАҚИДА ХАБАРДОР ЭТАПМИЗ.



Фарход ЖУМАЕВ, Денов туманидаги “Ободон” ва “Элобод” маҳаллалари солиқ инспектори.

Олдин фуқаролар оддий тушунмовчилик юзасидан ҳам солиқ идорасига келиб, вақтини, нақдини кетказиб юрарди. Ҳозир ҳар куни маҳаллаларда кўчама-кўча юриб, солиқ тўловчиларни қизиқтирган ҳар бир саволига жавоб бераймиз. Махсус овоз кучайтиргич қурилмаси ёрдамида солиқларни ўз вақтида тўлашларини тушунтириб бораемиз. Бундай тарғибот ишларимиз натижасида аҳолининг солиқ соҳасидаги билими, маданияти ошди. Ҳар икки маҳалла Денов шаҳрига ёндош ҳудудда жойлашгани учун ишлаб чиқариш, чакана савдо, маиший хизмат кўрсатиш соҳа-

си кенг ривожланыпти. Масалан, “Ободон” маҳалласида иккита писта қадоклаш корхонаси бор. Уларнинг ҳар бирида 7-8 нафар фуқаро доимий иш ўрнига эга. Яқинда уларнинг бирига тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун кредит олишига қўмаклашдик. Қўшимча ер олиб берилди. Хонадон эгалари томорқа ерларида, асосан, картошка етиштиради. Ушбу йиғинда иссиқхоналар сони йилдан-йилга ортиб, уларда лимон, турли хил қўқат ва гуллар парваришланыпти. Денов тумани марказига олиб борувчи йўл бўйида жойлашган “Элобод” маҳалласида учта пишириқ цехи фаолият юритяпти. Ҳар бирининг 10-15 нафар ишчиси бор. Шунингдек, ҳудудда чорвачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик ва пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари мавжуд.

Кувонарлиси, мазкур маҳаллаларда иш бошлаганимдан буён тадбиркорлар сони уч баробарга ортди. Маҳалланинг ўзида сут ва сут маҳсулотлари тайёрланыпти. Хўжалик қўғозлари ишлаб чиқариляпти. Айрим тадбиркорлар харидорлар кўплиги сабаб ишлаб чиқариш корхоналарини марказига кўчирди. Этиборлиси, тадбиркорлар маҳалласи учун ёрдамни аямаяпти. Масалан, тадбиркор Рустам Нуриллаев ўз маблағи ҳисобидан “Ободон” маҳалласи идораси биносини қуриб берди. Бугунги кунда “еттилик” ва аҳоли ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Натижада аҳоли ҳамжихатликда “Ташаббусли бюджет” танловида ғолиб бўлиб, барча ички кўчалар асфальтланди. Ичимлик сув тармоғи тортилди. Маҳаллаларнинг бундай

ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишда фуқаролардан ундирилаётган мол-мулк ва ер солиғи тўловининг 10 фоизи “маҳалла бюджети” ҳисобида қолиши яхши натижа берапти. Ҳозир ушбу маблағ ёрдамида иккита мактаб ўртасида ўқувчилар қатнови учун пиёдалар йўлағи қуриляпти. Эндиликда кичик тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга алоҳида этибор қаратилиб, ишлаб чиқариш бўйича бизнес лойиҳалар тайёрланыпти. Бунинг учун имконият ва маҳсулотлар етарли. Фақат тадбиркорлик қилиш истагида бўлган ва бунга лаёқатли бор фуқароларга “маҳалла еттилиги” хулосаси асосида кредит ажратиш жараёнини тезлаштириш лозим. Баъзи ҳолатларда тадбиркорлик қобилияти бор фуқароларга “еттилик” хулосаси берилса-да, банклар турли важ-қарсонлар билан кредит ажратишни пайсалга солишяпти. Натижада турли бюрократик ҳолатларга дуч келган фуқаро бизнес-режасини ташлаб, турли ҳудудларга кетиб қоляпти.

Бир сўз билан айтганда, “маҳаллабай” ишлаш тизими ўзининг ижобий натижасини кўрсатяпти. Эндиликда “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигини янада кучайтириб, белгиланган вазифаларни тўри ва тўлақонли бажариш керак, холос. Шунда тадбиркорлар сони ортиб, янги иш ўринлари яратилади. Ўз навбатида, аҳолининг яшаш шароити яхшиланиб, “маҳалла бюджети” ортади.



ҚҚС НИ ҚАЙТАРИШ ХИЗМАТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ



Умумий овқатланиш тармоғидаги тадбиркорлик субъектлари февраль ойидан бошлаб, 2025 йил январь ойи учун тўланган ҚҚСнинг бир қисmini қайтариб олиши мумкин. Бунинг учун my3.soliq.uz даги шахсий кабинет орқали ариза юборилиши керак.

Тўланган солиқнинг бир қисmini қайтариш учун мурожаатни солиқ хисоботини тақдим этгандан сўнг, 3 ой ичида юбориш мумкин. Мурожаат автоматлаштирилган дастур орқали шаклланади ва кўриб чиқилади.

Бу имтиёз умумий овқатланиш соҳасида пазандалик, шунингдек, бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш, сотиш ва истеъмол қилишни ташкил этиш ҳамда хизматлар кўрсатиш бўйича функцияларни бажарувчи юридик шахсларга тегишли.

Қайтариладиган сумма миқдори нақд пулсиз тўловлар улушига боғлиқ. Агар 60 фоиз ва ундан оқори бўлса, 40 фоиз ҚҚС қайтарилади. 60 фоиздан кам бўлса, 20 фоиз ҚҚС бериледи.

Ҳўш, бунинг учун қандай шартлар бажарилиши керак? Аввало, хисобот даврида ҳисобланган ҚҚС бюджетга тўлиқ тўланиши лозим. Шунингдек, асосий даромад (90 фоиз ва ундан ортиқ) умумий овқатланиш хизматларидан бўлиши керак.

Солиқ кўмитаси Ахборот хизмати.

Сўраган эдингиз...

ПЕНСИЯДАГИЛАР СОЛИҚДАН ОЗОД ЭТИЛАДИМИ?

Ойлархон МАҲМУДОВА. Андижон вилояти:

– Яқинда пенсияга чиқдим. Эшитишимча, пенсияга чиққанлар мол-мулк ва ер солиғидан озод қилинган экан. Бу қанчалик тўғри? Шу ҳақда маълумот берсангиз...

Дилдора ҲОШИМОВА, Солиқ кўмитаси Ахборот хизмати раҳбари:

– Тўғри, мол-мулк солиғидан пенсиядагиларнинг 60 м² доирасидаги мол-мулк озод қилинади. Бундан кўп бўлса, ортиғига солиқ тўланади. Ер солиғидан фақат ёлғиз пенсиядагилар озод этилган. Улар – ёлғиз ёки вояга етмаган болалари билан ёхуд ногиронлиги бўлган боласи билан бирга алоҳида уйда яшовчи пенсиядагилар ҳисобланади.

Имтиёзлар пенсия гувоҳномаси асосида берилади. Шу боис солиқ имтиёзларига эга бўлган шахслар улардан фойдаланиш учун тегишли ҳужжатларини солиқ объекти жойлашган ердаги солиқ органларига тақдим этиши керак.



Секторлар фаолияти тугатилади

Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда фаолият юритаётган яқка тартибдаги тадбиркорлар сони 283 минг 866 нафарга етган. Юрidik шахслар сони 1 февралда 527 минг 141 та ташкил этган. Ўзини ўзи банд қилган шахслар 4,6 млн. нафардан ошди. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 74,5 фоизга (1,9 млн. нафар) ортди.

Мақсадбек ҚУЧҚОРОВ.

2024 йилда республика бўйича бюджетга 199,6 трлн. сўм тушумлар таъминланган бўлиб, бу 2023 йилга нисбатан 20,3 фоизга кўп.

Албатта, бу жараёнларда 9 452 та маҳаллага бириктирилган 4 330 нафар солиқ инспекторининг ўрни қатта. Улар “маҳалла еттилиги” таркибида “маҳаллабай” ишлаш тизими асосида зарур чора-тадбирларни амалга оширяпти. Бироқ ютуқлар билан бирга, камчиликлар ҳам йўқ эмас.

Бу ҳақда Президент раислигида ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида алоҳида тўхталиб ўтилди. Хусусан, солиқ идоралари ходимлари ҳар бир маҳаллага бириктирилгани билан тушумлар кескин ошмагани қайд этилди. Масалан, минглаб корхона ҳисоботларида бирорта ҳам ходим йўқ деб кўрсатган бўлса, яна минглаб корхона 2 ёки 1 нафар ишчи кўрсатмоқда. Бу солиқ идоралари яширин иқтисодийёт билан сўйлашганидан далолат.

Инсофли тадбиркорларга қўшилган қиймат солиғи 7 кун ичида қайтариб берилиши белгиланган. Бироқ солиқ раҳбарлари тадбиркорларнинг



Ходимлар ҳар бир маҳаллага бириктирилгани билан тушумлар кескин ошмагани қайд этилди.

487 миллиард сўмлик 2,5 мингга яқин мурожаатини ўз вақтида кўриб чиқмаган. Давлат раҳбарининг таъкидлашича, бу жараёнга солиқ раҳбарлари секторни баҳона қилиб, соҳасидаги ишларни сўсайтириб юборган.

Хабарингиз бўлса, саккиз йил аввал ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўйича ҳоким, прокурор, ички ишлар ва солиқ раҳбарлари бошичилигида секторлар фаолияти йўлга қўйилган эди. Бу тизим йиллар давомида йиғилиб қолган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиб, вазиятни ўнглаш учун барча кучларни



сафарбар этишга қўмаклашди. Шу билан бирга, сўнгги йилларда ҳудудлар салоҳияти бир неча қарра ошди.

Бироқ ҳар ким ўз соҳаси билан шуғуллангани маъқул. Шу боис бундан буён секторлар фаолияти билан прокурор, ички ишлар ва солиқ шуғулланмайди. Уларнинг ўрнига бош вазир ўринбосарлари ўзига тегишли соҳалар билан ўз кучи ва тизими орқали шуғулланиши белгиланди.

Ўйлаймизки, эндиликда солиқ раҳбарлари “маҳаллабай”, “корхонабай” ишлаш асосида солиқ тушумларини фақат қарздорликни ундириш орқали эмас, балки тадбиркорлик субъекти сони ошириш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш ҳамда яширин иқтисодиётга барҳам бериш орқали эришади. Шунда камбағаллик, ижтимоий ҳимоя, тадбиркорлик бўйича амалга оширилаётган ислохотлар ҳар бир инсонга етиб боради. Энг муҳими, соҳада бирор коррупциявий ҳолатларга йўл қўймайлик шарт. Шундагина одамларнинг ишончи янада ортиб, инвесторлар келиши кўпаяди.

ҲОЛАТ



Ўзбекистонда
фойдали қазилмаларни
қазиб чиқаришни
НАЗОРАТ ҚИЛИШ
тартиби
тасдиқланди.



Президент
давлат хизматчилари
даромадларини
ДЕКЛАРАЦИЯ ҚИЛИШ
тўғрисидаги қонунни
қабул қилишни
тезлаштириш бўйича
топшириқ берди.



Ўзбекистонда
тезликни қайд этишдаги
ХАТОЛИК
ЧЕГАРАСИНИ
10 км/соатгача
ошириш таклиф
этилмоқда.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ “БОДИ КАМЕРА” БИЛАН ТАЪМИНЛНАДИ

Сўнгги йилларда энг қўйи бўлиндаги вазият ва муаммоларни чуқур ўрганиш асосида ҳар қайси маҳаллани жиноятдан холи ҳудудга айлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда ҳуқуқ-тартибот масканлари ташкил этилиб, ҳар бир маҳаллада профилактика инспекторлари фаолияти йўлга қўйилди. Уларнинг жойларда самарали хизмат ўташи учун муносиб ижтимоий-маиший шароитлар яратилди.



Рустам ЮСУПОВ.

Бевосита маҳаллаларда жиноятчиликни жилавлас мақсадида олиб борилган ишлар натижасида биргина 2024 йилда 9 452 та маҳалланинг 30,6 фоизда жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Умумий жиноятларнинг 92,4 фоизи фош этилди. Бироқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси йўналишида муайян камчиликлар, ўз ечимини кутаётган масалалар ҳам бор. Хусусан, ўтган йили мамлакатда 132 минг 298 та жиноят содир этилган. Олди олиними лозим бўлган жиноятлар сони ханузгача жиноятларнинг салмоқли қисмини ташкил этяпти. Уларнинг асосий улушини ўғирлик ва фирибгарлик жиноятлари ташкил этиб, 59,4 фоизини ёшлар, 36,1 фоизини илгари судланганлар содир этган.

Давлат раҳбари Шавкат Мирзиёев раслигида 5 март куни ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ййғилишида бу борада алоҳида тўхталиб, ҳар бир маҳаллага профилактика инспектори бириктирилгани, лекин туман ички ишлар бўлимининг янги тизимда ишлаши кузатилмаётгани, профилактика инспектори фаолиятига баҳо берилмаётгани кўрсатиб ўтилди. Баъзи ички ишлар бошқармалари ва бўлимлари раҳбарияти оғир маҳаллалар билан тизимли шуғулланмаётгани, уларнинг профессионаллиги ва меҳнатга садоқати сезилмаётгани қайд этилди. Айрим туман ва шаҳар ички ишлар раҳбарлари статистикани яхшилаш учун жиноятни яширган, рўйхатга олишни ойлаб қўзиб юрган.

Шу боис давлатимиз раҳбари ҳар бир маҳалладаги профилактика масканларини кузатув камераси ва ҳар бир инспекторни “боди камера” билан таъминлаб, ҳуқуқбузарликларни рўйхатга олиш бўйича янги платформани ишга тушириш топшириғини берди. Эндиликда жиноятларни ҳисобга олиш тизими тўлиқ рақамлаштирилади. Тизимли равишда жиноятчиликка қарши курашиш ҳафталиклари ўтказилади. Бу жараёнда Парламентдаги масъул кўмиталар маҳаллагача тушиб, ҳар бир жиноятнинг келиб чиқиш сабаб ва омилиларини аниқлаб, туман, вилоят прокурорлари ва ички ишлар бошликларининг олдида аниқ вазифа қўяди. Бош прокурор ва ички ишлар вазири ҳар чоракда Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш олдида, вилоят, туман прокурорлари ва ички ишлар бошликлари эса ҳар ойда ҳудудий кенгашларда ҳисобот беради ва жамоатчиликка мурожаат билан чиқади.

Президент таъкидлаганидек, мурожаат деганда, умумий гаплар керак эмас, бунда ҳар бир соҳа ва жиноятчилик тури бўйича олдини олиш, омилиларини бартараф этиш борасида аниқ қиладиган ишларини айтиши керак. Фирибгарлик, коррупция, иқтисодий жиноятлар сони ортиб борапти. Ўтган йилнинг ўзида 3 880 нафар шахс содир этган 3 293 та коррупция ва иқтисодий соҳасидаги жиноятлар аниқланиб, етказилган 239 млрд. 584 млн. сўм миқдоридagi зарар ундирилиши таъминланди. Киберхавфсизлик йўналишида 58,8 мингта жиноят содир этилган бўлиб, уларнинг 97,7 фоизи фуқароларнинг банк пластик карталаридаги пулларни қўлга киритиш билан боғлиқ.



Эндиликда вазир ва ҳокимлар лавозимга қўйилишидан олдин коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ режасини парламент ва маҳаллий Кенгашлар олдида ҳимоя қиладиган тизим жорий этилади. Қонунчиликка ноқонуний бойлик орттириш ҳақида модда киритилади. Яъни давлат хизматчиси декларация қилган даромадида мос келмайдиган мол-мулкни қаердан олганини исботлаши керак бўлади.

Коррупцияни енгиш учун, биринчи навбатда, унинг ортиқча ҳашамат ва дабдаба деган “ўқ илдизлари”ни қуритиш шарт. Энг ачинарлиси, бунга таниқли шахслар бош-қош бўляпти, одамлар уларга тенглашаман деб, ўзини “ўтга-чўга” уряпти. Бу борада айрим раҳбарлар ўзининг камтарона турмуш тарзи билан барчана намуна бўлиш ўрнига, бундай сохта қадриятлар асирига айланиб, ноқонуний даромад топишга интиляпти. Шу боис давлатимиз раҳбари парламент палаталари, маҳаллий Кенгашлар, жамоатчилик вакиллари, маҳалла раислари, нуронийларни бу масалага бош-қош бўлиб, аҳоли орасида тушунтириш ишларини кучайтиришга чақирди.

Умуман олганда, эндиликда жиноятчилик, коррупцияга қарши янги тартиблар асосида курашилади. Бу жараёнда барча масъуллардан тортиб, оддий одамлар, фаоллар ҳаракати бирлаштирилади, ҳуқуқбузарликларга қарши қатъий тартиб ўрнатилади. Бу орқали жиноятлар илдизига барқас урилади. Бу, ўз навбатида, профилактика инспекторлари фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

“Ташвиш тугмаси” ортиқча ташвишларга қолдирмайди



Мадад
МАТЮСУПОВ,
Мўйноқ туманидаги
“Дўстлик”
маҳалласи
профилактика
инспектори.

Маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш, содир этиладиган қонунбузарликларнинг тўб илдизларини ўз вақтида аниқлаш орқали жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш – асосий вазифамиз. Бу борада ишлар қизғин давом этмоқда. Жумладан, Президентнинг “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самардорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун “йўл харитаси” ишлаб чиқдик.

“Дўстлик” маҳалласи Мўйноқ тумани марказида жойлашган. Уч мингга яқин аҳоли яшайдиган ййғинда оилавий поликлиника, умумтаълим мактаби, мусика мактаби, тузни қайта ишлаш корхонаси бор. Бу ерда яқинда иш бошлаганим учун кўпроқ аҳоли билан мулоқотда бўлиб, уларнинг яшаш шaroитини ўрганилман. Уйма-уй юриш тизими асосида нотинч оилалар, спиртли ичимликка ружу қўйган, муқаддам судланган ва рухий касалликка чалинган фуқароларни алоҳида тоифаларга ажратиб, улар билан манзилли ишлаялман. Ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли юқори бўлган фуқароларни аниқлаб, уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этиш чораларини кўрялмиз.

Тажрибадан маълумки, аҳоли билан доимий мулоқот, мунтазам ҳуқуқий тарғибот ишлари орқали маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш мумкин. Шу боис тарғибот ишларини кучайтириб, ҳар пайшанба – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кунда аҳоли билан учрашиб, уларни турли ҳуқуқбузарлик ва фирибгарликлар ҳақида огохлантириб, жиноятнинг салбий оқибатларини тушунтирялман.

Бугун ёшлар таълим-тарбияси жуда долзарб. Шу

боис “мактаб – ота-она – маҳалла” ҳамкорлигида мактаб ўқувчиларининг таълим-тарбияси, дарсда мунтазам иштирокини таъминлаш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ўтказишга алоҳида эътибор қаратялмиз. Ёшларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, фан ва спорт тўғралакла тоифаларга ажратиб, улар билан манзилли ишлаялман. Ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли юқори бўлган фуқароларни аниқлаб, уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этиш чораларини кўрялмиз.

Бугунги кунда йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида ёш болалар ва ўқувчилар ўлими ортмоқда. Шу боис ҳудудимиздаги таълим муассасаси олдида ўтувчи йўлларга светофор ва йўл белгилари ҳамда йўл тўсиқлари ўрнатилади.

Жорий йилда режалар кўп. Аввало, “йўл харитаси” ижросини таъминлаймиз. Маҳалла янада хавфсиз бўлиши учун ички кўчаларга тунги ёритгич чироклари ҳамда видеокузатув қўрилмалари қўйилади. Бу бўйича таклифлар киритилди. Шунингдек, ҳудуддаги саккизта кўп қаватли тураржойларга “ташвиш тугмаси”ни ўрнатамиз.

БИЛАСИЗМИ?

Қандай қилиб компенсация олиш мумкин?

Йўл-транспорт ҳодисасига учраган бўлсангиз, айбдор номаълум ёки суғуртаси йўқми? Суғурта компаниянгиз тўловга қобилиятсиз деб топибдими? Ваҳимага ўрин йўқ – Ўзбекистонда суғурта тўловларини қафолатлаш жамғармаси мавжуд бўлиб, у стандарт суғурта тизимлари ишламаган тақдирда зарарни қоплаши мумкин.

Хўш, компенсация олиш учун нималар керак?

- ✓ айбдорнинг суғурта полиси (мавжуд бўлса);
- ✓ суд қарори, агар иш суд томонидан кўриб чиқилган бўлса;
- ✓ етказилган зарар миқдори ва фактини тасдиқловчи ҳужжатлар (йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хулоса ёки қарор, суд-тиббий экспертиза ҳужжатлари);
- ✓ мол-мулкка етказилган зарар миқдори ва фактини тасдиқловчи ҳужжатлар (мол-мулкни мустақил баҳолаш далолатномалари ва ҳ.к.);
- ✓ жабрланувчининг шахсини ёки унинг давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- ✓ мерос ёки ҳуқуқий ворислик ҳуқуқи вуқудга келганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар.



Жамғармага илтимоснома (ариза) қандай топширилади?

Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ёки ҳужжатларни Жамғармага ташриф буюриб тақдим қилган ҳолда ёхуд ҳужжатлар тўпламини info@tkj.uz электрон почтасига юбориш орқали топшириш мумкин.

Кўриб чиқиш муддати – 30 кун, тўлов – қарор қабул қилинганда кейин бир ҳафта ичида амалга оширилади;

– энг юқори пул миқдори 40 млн. сўм;

– ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарарни қоплаш учун 26 млн. сўмгача;

– мол-мулкка етказилган зарар учун 14 млн. сўмгача.

Унутманг, сизнинг ҳуқуқларингиз ҳимояланган, фақат қандай ҳуқуқларингиз борлигини билинг ва улардан фойдаланишдан қўрқманг!

Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги.

МЕНДА САВОЛ БОР...

ВАСИЙЛИК ВАКИЛИ СУДДА ҚАТНАШИШИ ШАРТМИ?

Маффира
АНВАРОВА.
Андижон
вилояти:

– Судда болалар тарбияси билан боғлиқ низо-ларни кўришда васийлик ва хомийлик органи вакили иштирок этиши шартми?



Назokatхон
ҒАФФОРОВА,
фуқаролик ишлари бўйича Избоскан туманлараро суди судьяси:

– Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 88-моддасига асосан, бола тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни суд томонидан кўриб чиқилишида боланинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича судга ким

даъво тақдим этишидан қатъий назар васийлик ва хомийлик органи жалб этилиши керак. Васийлик ва хомийлик органи боланинг яшаш шaroитини, боланинг ўз тарбиясига талаб қилаётган шароитларини ўрганиши ҳамда ўрганиш натижалари бўйича асослан-тирилган хулосаларини судга тақдим этиши шарт ҳисобланади.



Тиббиёт:
Ўзбекистонда
илк бор
ВИДЕОКАПСУЛА
ЭНДОСКОПИЯСИ
жорий қилинди.



Президент
фармониға асосан,
банкларда
ИПОТЕКА КРЕДИТИ
СТАВКАСИ
19,5 фоизгача
пасайтирилди.



Ўзбекистон
МОБИЛ ИНТЕРНЕТ
ТЕЗЛИГИ бўйича
охирги 4 йилда
65 ғоғонага
юқорилади.

ТАШАББУС

“ИЖТИМОЙЛАШГАН КЎЧА” ЛОЙИХАСИ МАҲАЛЛАГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ?



Мухлиса КАРИМОВА,
Ғузур туманидаги
“Апарди” маҳалласи
ижтимоий ходими.

Баянз ногиронлиги бўлишига қарамай, шихоат билан, олдига аниқ мақсадлар қўйиб ҳаракат қилаётган кишиларни кўриб, уларга ҳурматим янада ортади. Давлат берадиган нафақага кўз тикиб ўтирмай, ўзи ҳам тер ўткир, меҳнат қилаётганлар ҳақиқатан эътирофга лойиқ. Бизнинг маҳалламизда ҳам шу каби инсонларни кўплаб учратиш мумкин. Хусусан, бу йил 56 ёшни қаршилаётган 2-гурӯх ногирони бўлган бир фуқаро 10 йилдан буён соғлиги кўтармагани сабабли ўз касбида ишлай олмапти. Лекин шундай бўлса-да, бошқа соҳада фаолиятини давом эттириб келяпти. Интилиши ва ғайрати билан 4 нафар фарзандини уйли-жойли қилди. Бугун бир кучок набиранлари бор. Эртаю кеч ишлаб, фақат бундан завқланиб яшайди.

Худудда 172 нафар ногиронлиги бўлган фуқаро истиқомат қилса, шундан 45 нафари меҳнатга лаёқатли.

Айни вақтда уларнинг 26 нафари тиббий тавсияда кўрсатилганидек, жисмоний ҳолатига мос йўналишларда фаолият юритиб келмоқда. Биттаси мактабда ўқитувчи бўлса, яна бирови қоровуллик қилиб, рўзгор тебратяпти. Жорий йилда қолган 19 нафарини ҳам доимий бандлигини таъминлашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.



Маҳаллада ўтган йилнинг июнь ойидан буён ижтимоий ходим сифатида фаолият юритиб келаётган бўлсам, шу кунгача турли масалалар бўйича 40 та кейс очдим. Шу билан бирга, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга оширишга астойдил бел болаганмиз. Танлаб олинган 23 та оила 5 та шиклот раҳбарига бириктирилган. Уларнинг муаммоларини ҳал қи-

лиш, зарур хизматларни кўрсатиш учун туну кун шаймиз. Яқинда бир хонадонни ўргандик. Аёл турмуш ўртоғининг вафотидан кейин қаттиқ тушкунликка тушиб қолган эди. Қолаверса, соғлиғидаги муаммолар сабабли 2-гурӯх ногиронлиги бор. 6 ёшли ўғли билан ота уйига қайтиб келгач, муаммолари янада кўпайган.

Унинг руҳий ҳолатини яхшилаш мақсадида психологик хизмат кўрсатилди. Қолаверса, ота уйдан улуш ажратиб бериш масаласида юрист кўмаклашди. Фуқарони саломатлигини тиклаши учун санаторийга навбатга қўйдик. Даволаниши учун “Саховат ва кўмак” жамғармасидан моддий ёрдам ажратилди. Хозир аёл анча ўзига келиб қолган. Мактабгача таълим йўналишининг

сиртки бўлимида таҳсил оляпти. Фарзанди мактабнинг тайёрлов гуруҳига қатнапти.

Яна бир ҳолатда ёши 60 га яқинлашиб қолган онахон ёлғиз яшаб келаётган экан. Биттагина қизини турмушга узатиб юборгач, ўзи анча сикилиб қолибди. Аёлга далда бўлиш мақсадида хонадонига тез-тез бориб тураман. Уни қийнаётган масалаларга ижобий ечим топишга ҳаракат қиляпмиз. Жумладан, “Саховат ва кўмак” жамғармасидан киш мавсуми учун кўмир олиб берилди. Уйнинг том қисми ҳамда хоналари таъмирлаб берилди. “Маҳалла еттилиги” вакиллари билан ҳамкорликда кўчасига шағал ётқизилди.

Жорий йил худудимизда янги лойиҳани амалга оширишни ният қилганмиз. Унга кўра, алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган, ногиронлиги бор ва боқувчисини йўқотганлар кўпроқ яшайдиган худудни танлаб олиб, “ижтимоийлашган кўча”га айлантирмоқчимиз. Бунда ҳар бир хонадонга алоҳида ёндашув асосида хизмат кўрсатилади. Кўча ва томорқаларни ободонлаштириш масаласига алоҳида урғу берилади. Одамларнинг фаоллигини ошириб, бандлигини таъминлашга кўмаклашамиз.

Фаолиятим давомида 5 нафар ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болага васийлик ва ҳомийлик тайинладим. Лекин айни вақтда яна 8 нафар вояга етмаганларга расмий вакил тайинлаш зарур. Айни шу масала бўйича оилаларга борганимизда, кўпчилик ҳужжат тайёрлашнинг жуда мураккаб ва узоқ вақт талаб қиладиган жараён эканидан шикоят қиладди. Айримлари умуман бу ишни қилишдан бош тортияпти. Агар тизим бирозгина соддалаштирилса, ҳам фуқароларга, ҳам маҳалла ходимларига анча осон бўларди.

ҚУЛАЙЛИК

ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ — ТАЪЛИМ ОЛИШНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТИ

Ҳаёт инсонни турли қийинчиликлар билан синовдан ўтказди. Айримлар моддий етишмовчилик ва муҳтожликдан азият чекаса, яна кимдир ногиронлиги сабаб жамиятдан айро умр кечиради.

Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА,
“Mahalla” мухбири.

Улар орасида гарчи ақлий салоҳияти яхши ривожланган, ўз устида ишласа, катта натижаларни қўлга кирита оладиган кишилар бўлишига қарамай, вақтида таълим олмагани боис бугун бекор ўтирганлар анча.

Айни шу муаммони бартараф этиш мақсадида янги ташаббус илгари суриляпти. Аниқроқ айтадиган бўлсак, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар ва таълим ҳаракатида муаммолари бўл-

ларида босқичма-босқич жорий этиш белгиланди.

Лойиҳа доирасида транспорт хизматлари ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатлари, шу жумладан, ушбу муассасалардаги “ғамхўрлик” гуруҳларида, умумтаълим мактабларининг инклюзив синфлари ҳамда реабилитация марказига эга давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларида таълим оловчи кўриш ва ҳаракатланиш билан боғлиқ касалликларга чалинган болаларга кўрсатилади.

Шунингдек, мазкур қонун ҳужжати билан хизматдан фойдаланганлик учун тўлов ва субсидия тизими жорий этилмоқда. Хусусан:

- ҳар бир йўловчига бир ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,2 бараваридан ошмайдиган миқдорда;
- Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ёки Кам таъминланган оилалар реестрига киририлган оилалардаги йўловчилар учун ҳар бир қатнов тўловининг 60 фоизи субсидия шаклида қопланади;
- юқорида кўрсатилган реестрларга киририлмаган оилалардаги йўловчилар учун ҳар бир қатнов тўловининг 60 фоизи субсидия шаклида қопланади.

Субсидия шаклидаги тўловлар Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Транспорт хизматини тадбиркорлик субъектлари кўрсатади. Улар учун “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимида электрон шаклда юритиладиган Транспорт хизматини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари реестри шакллантирилади. Хизматнинг ўз вақтида ва сифатли кўрсатилишини Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги “Ахборот технологиялари маркази” мониторинг қилиб боради.

Ижтимоий ҳимоя йўналишидаги бу янги ташаббус билан қандаш-қанча болалар тўлақонли таълим олиш имконига эга бўлади. Жамиятдаги ҳар бир фуқаронинг фаоллигини таъминлаш эса юртининг эртанги ривожини учун пойдевор демек.



ган болалар учун ижтимоий соҳа объектлари, таълим муассасаларига бориб келишларига қўлайлик яратиш мақсадида ижтимоий аҳамиятга эга транспорт хизмати лойиҳаси ишга туширилади. Бу бўйича Вазирлар Маҳкамасининг “Транспорт хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш орқали кўриш ва ҳаракатланиш билан боғлиқ касалликларга чалинган алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун таълим олиш шароитларини яхшилаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарор билан ушбу хизматни 2025 йил 1 апрелдан Тошкент, Андижон ва Самарқанд шаҳарларида пилот лойиҳа сифатида, 2025 йилнинг якунига қадар эса республиканинг бошқа худуд-

МЕНДА САВОЛ БОР...

ЁЛҒИЗ ОДАМ, АЛБАТТА, ЁРДАМ ОЛАДИ



Малоҳат САТТОРОВА,
Бухоро вилояти:

— Қўшнимиз БИР НЕЧА ЙИЛДАН БУЁН ЁЛҒИЗ ЎЗИ ЯШАЙДИ. ҚИЗИНИ ТУРМУШГА УЗАТИБ ЮБОРГАНДАН КЕЙИН АНЧА ҚИЙНАЛИБ ҚОЛДИ. ШУ ТОИФАДАГИ КИШИЛАРГА ЕНГИЛИК ЯРАТИШ УЧУН ДАВЛАТ БИР ҚАНЧА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШИ ҲАҚИДА ЭШИТИБ ҚОЛДИМ. БУ ҲАҚДА БАТАФСИЛРОҚ МАЪЛУМОТ БЕРА ОЛАСИЗМИ?

Авазхон ЎРИНОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Бухоро вилояти бошқармаси шўъба мудири:

— Ўзгалар парварishiга муҳтож ёлғиз яшовчи, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар реестрига киририлган фуқароларга қуйидаги хизматлар кўрсатилиши белгиланган:

- ✓ ижтимоий ходим ассистентлари бириктирилади;
- ✓ бир йилда камда бир маротаба бепул тиббий кўриқдан ўтказилади;
- ✓ тоифасига кўра, ойлик компенсация пул тўловларини олади;
- ✓ йўқотилган биометрик паспорт ёки “ID” карта алмаштирилади ҳамда яшаш шароити мослаштирилади.

Ушбу хизматдан фойдаланиш истагидидаги фуқаролар маҳалладаги ижтимоий ходим ёки ўз худудидидаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларига мурожаат қилиши мумкин.

“Хуна́р билан даромадим ортади”

Бугун маҳалладаги ижтимоий ходимлар фуқароларнинг жамиятга интеграцияси ва фаровон ҳаёт кечирishi учун фидокорона хизмат қилмоқда.

Зубайдо АБДУЛЛАЕВА,
Зафаробод тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази директори.

Зафаробод тумани “Нурафшон” маҳалласида 137 нафар ногиронлиги бўлган шахс истиқомат қиладди. Маҳалла ижтимоий ходими Зокиржон Аҳмадов хатлов жараёнида 1-гурӯх ногиронлиги бор Умид Эшонкулов учун электрон юритмали аравача олишда кўмаклашди.

Шунингдек, унга касбий кўникмаларини ривожлантириш мақсадида Жиззах шаҳридаги касбий таълим марказининг этикдўзлик ва косибчилик бўлимига йўналтиришда ёрдам берди.


— Амалий ўқувчи бўлиб қолганда, уйда ўтирган ҳолда буюртмаларни бажариш имкони туғилади. Бу билан нафақага қараб қолмай, мустақил даромад топаман. Одамлар билан кўпроқ муомалада бўламан. Жамият ривожига оз бўлса-да, ўз ҳиссамни қўшаман.

Бу каби ташаббуслар ногиронлиги бўлган фуқароларнинг ижтимоий ҳаётга фаол қўшилиши ва ўз келажагини барпо этишига хизмат қиладди. Ҳар бир эзгу иш — инсон қадр-қимматини юксалтириш сари муҳим қадамдир.





Ўзбекистонда
СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ
асосида аҳолининг
саволларига қўл телефони
орқали содда жавоб
берадиган онлайн
платформа ишлаб
чиқилади.



Муфтий
Бобохоновлар сулоласи
мероси ИСЛОМ
ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ
МАРКАЗИда
намоиш этилади.



Ўзбекистон
ЯЛПИ ИЧКИ
МАҲСУЛОТИнинг
6,2 фоизга ўсиши
прогноз
қилинмоқда.

БИЛАСИЗМИ?

Зулфия Мукофоти қандай имтиёз беради?

Қонунчиликка кўра, Зулфия номидаги Давлат мукофоти таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари соҳалари ва жамоатчилик фаолиятида алоҳида ютуқларга эришган 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган иқтидорли хотин-қизларга берилиши белгиланган.



Мукофот ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 2 нафардан талабгорларга берилади.

Мукофотни олиш учун талабгор сўнгги 3 йил мобайнидаги ибратли фаолияти, ўз соҳасидаги ва жамоатчилик фаолиятидаги алоҳида ютуқларига оид ҳужжатларни тақдим этиши лозим.

Мукофот совриндорлари агар умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларининг ўқувчилари бўлса, бакалавриятга, бакалаврият талабалари бўлса, магистратурага тегишли йўналиш ва ихтисослик бўйича кириш синовларисиз давлат грантлари асосида қабул қилинади.

Шунингдек, мукофот совриндорларига БҲМнинг 50 баравари (18 млн. 750 минг сўм) миқдорида пул маблағлари берилади.

“Тошобод”ни гулободга айлантиряпмиз

Маҳалла учун астойдил хизмат қиламан, деган ходимнинг бўш вақти бўлмаслиги аниқ. Эрталаб идорада кутиб турган фуқароларни тинглаш, уларнинг муурожаатларига ечим излаш керак. Кейин хонадонларни айланишга тўғри келади. Орада қайсидир оилادا можаро ёки келишмовчилик юзага келиб қолса борми, 3-4 соат у билан овора бўлинади. Хатто кечқурун уйига борганда ҳам ортидан сўраб келувчилар топилади.

Гулмира МАМАЖОНОВА,
Олтиариқ туманидаги
“Тошобод”
маҳалласи хотин-қизлар
фаоли.

Мен шу тарзда кунимнинг қандай ўтиб кетганини билмай қоламан. 19 ёшимда маҳалла тизимида иш бошлаган бўлсам, мана, 23 йилдирки, аҳолининг мушуқлини осон қилиш учун тиним билмайман. Биринчи навбатда, “маҳалла еттилиги” вакиллари билан оилалар мустақамлигини таъминлаш ҳамда фуқароларни доимий банд қилиш борасидаги ишларга эътибор қаратяпмиз.

Худудда 1 минг 640 нафар хотин-қиз ишга қўйилган. Уларнинг феъл-атвори, хоҳиш-истакларини жуда яхши биламан. Кимга қандай муомала қилиш кераклиги кундек равшан. Кўпчилик хо-

тин-қизлар хусусий тикувчилик цехларида фаолият юритида. Фарзанд парвариши билан машғул бўлган оналар эса уйда чорва моллари боқади. Томорқасидан унумли фойдаланиб, рўзгорига қўшимча маблағ киритади. Охириги пайтда гулчилик билан шуғулланиш истагидаги аёллар сони ортиб бормоқда. Агар соҳанинг сир-асрорини пухта эгалласа, бемалол катта даромадга чиқиш мумкинлигига ишончи баланд.

Нигина Курбоналиева миллий либослар ва дўппи тикиш борасида уста чеварларимиздан. Чопон четига, оёқ кийимларга қўл меҳнати билан эринмай мунчоқ қадаб чиқади. Келинлар учун чиройли тиллақошлар ясайди. У яқинда туман марказига келин бўлиб узатилиди. Энди фаолиятини ўша ерда давом эттиряпти. Алоҳида бино олиб, шогирдлари билан мижозларга хизмат кўрсатишни бошлаб юборган.

Нигинанинг онаси Умидаҳон Отажоновна 8 сотихли томорқасида гулчиликни йўлга қўйган. Бир-биридан кўркам хонаки гуллар кўрган кўзни қувнатлади. Унга 6 нафар ишчиси доимий равишда ёрдам бериб келмоқда. Маҳалламизда шундай гулчилар кўпайганидан бери хонадон бекалари ҳам уйда гул ўстиришга анча қизиқиб қолган. Шундай қилиб, “Тошобод”ни гулободга айлантиряпмиз.

Торт ва турли хил ширинликлар тайёрлашда Шаҳзода Кодированинг олдида тушадигани йўқ. Ўн йилдан буён тадбир, туғилган кун ва байрамларда маҳалламиз дастурхонини безайдиган қандолат маҳсуотларини пишириб, эл дуосини олиб келмоқда. У имтиёзли равишда ажратилган 7 миллион 500 минг сўм кредит эвазига катта печь харид қилган, иш кўламини янада кенгайттирди. Уздан ташқари, келини ва қизининг бандлигини таъминлаган.

Буюртмалар кўпайиб кетганда кўшни аёллар ёрдамга чиқишади. Бу йил Шаҳзодаҳонни шогирдлар тайёрлаш масаласига жалб қилишни ўйлаб турибмиз.

Мақтанса арзигулик натижаларимиз жуда кўп. Лекин баъзан ечими мураккаб бўлган муаммоларга ҳам дуч келиб қоламиз. Айниқса, оилавий ажралишлар масаласи бир неча йилдан буён ўз долзарблигини йўқотмай келяпти. Қанча ҳаракат қилмайлик, барибир бизга боғлиқ бўлмаган тарзда оилалар бузиляпти. Ўтган йили худудимизда қайд этилган бешта ажралишнинг иккитасига хиёнат сабаб бўлгани ҳаммамиз учун оғриқли бўлди. Бир ҳолатда эркак, бирида аёл эгри йўлни танлаб, муқаддас кўрғонини ўз қўли билан барбод қилишди. Ҳаммасига телефон ва ижтимоий тармоқлар сабаб.

Шу каби ҳолатларни кўргандан кейин ёш қизлар, айниқса, мактабнинг юқори синф ўқувчиларига уяли алоқадан фойдаланишда хушёр бўлиши кераклиги, ҳар турли гуруҳларга эргashiб кетиш оқибатлари аянчли тугaшини кўп марталаб тушунтираман.

Йиғилиш ва учрашувларда оналарга ҳам қиз бола тарбиясига эътибор билан ёндашишни тавсия берамиз. Бугун хонадонида тартиб-интизом, саранжом-саристаликка ўрганган қиз эртага келин бўлиб борадиган уйини ҳам гулла-тиб яшнатади. Ота-онасига раҳмат келтиради.

Тарғибот-ташвиқот ишларимиз самараси ўларок, 2025 йилда маҳалламизни “ажралишдан холи худуд”га айлантиришни олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз.

ИФТИХОР

“Ўзбекистон Қаҳрамони” бўлган аёллар

Сиз юртимизнинг қаҳрамон аёллари ҳақида биласизми? Уларнинг юрт равнақи, халқ фаровонлиги йўлида қилган меҳнатлари ҳақида эшитганмисиз? Куйида “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган аёллар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

1995 йил. Зардўзликни санъат даражасига олиб чиққан **Муяссар Темирова** Бухоро шаҳридаги “Зардўз” акциядорлик жамиятида меҳнат қилган. Унинг зардўзлик буюмлари АҚШ, Германия, Франция, Италия, Швейцария каби ўндан ортиқ давлатларда эътироф этилган.

1997 йил. Қўқондаги 10-умумтаълим мактабида болаларга таълим берган **Манзурахон Мадалиева** математикани қизиқарли, тушунарли тарзда ўқувчиларга етказа олгани билан иззат топган. Қорақалпоғистонлик **Онесия Саитова** акушерлик ва гинекология соҳасида меҳнат қилган. Онесия опа қанчадан-қанча гўдакларнинг соғ-омон туғилишида, оналар соғлигини асрашда жонбозлик кўрсатган.

2004 йил. **Анорхон Маҳмудова** Гурлан туманидаги 1-мактабда математика ва физика ўқитувчиси бўлиб ишлаган. Анорхон опа болалар билан ишлашнинг қизиқарли шакллари ва усулларини ўйлаб топиб машғулотлар ўтказган.

1996 йил. **Ойшахон Қўчқорова** кўп йиллар давомида Наманган вилояти туғруқхонасида фаолият юритган. Она ва бола саломатлигини асраш, миллатимиз генофондининг соғломлиги ҳақида қайғуриш Ойшахон опанинг умр мазмунига айланган.

2001 йил. Умрини кўнгли ярим болаларга бахшида этган **Вера Пак** Хивадаги 20-Меҳрибонлик уйида, кейинроқ “Болалар шаҳарчаси”да меҳнат қилган, у кишини болалар “Онажон” деб қақирарди.

2002 йил. **Дилбар Акромова** “Меҳр-шафқат ва саломатлик” жамғармасининг Наманган вилояти бўлими бошқаруви раиси сифатида меҳнат қилган. У 100 гектар ташландиқ ерда барпо этган “Меҳр-шафқат” фермер хўжалигидан олинган даромадни ногиронларга, кам таъминланган оилаларга, муҳтож инсонларга беминнат таркатган.

2008 йил. Деҳқончилик касби ва илмига алоҳида меҳр қўйган **Сибёсатхон Абдуллаева** “Олтинқўл водий гулшани” фермер хўжалигини ташкил этган. Сибёсатхон опа пахтачилик, ғаллачилик, қишлоқ хўжалиги, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган.

2007 йил. **Холчахон Мирзаева** Тўрақўрғон туманидаги “Ҳадича ая” фермер хўжалигига раҳбарлик қилган. Меҳнатдан бахт топган бу аёл эллик йиллик умрини қишлоқ хўжалиги соҳасига бағишлаган.

2015 йил. Навойишунослик фанининг заҳматкаш намояндаси **Суйиमा Ғаниева** миллий адабиётимиз ва маданиятимизни ривожлантириш, жаҳон маданий цивилизациясида тутган ўрнини халқаро миқёсда кенг тарғиб этишга катта ҳисса қўшган.

1999 йил. **Мавлуда Исмаилова** Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги 273-мактабда фаолият юритган. Болаларнинг иқтидорини эрта аниқлаш, салоҳиятини ривожлантириш, қобилиятини тўғри шакллантиришда ўзига хос тажриба яратган. **Мартия Раҳматова** кўп йиллар давомида Бухородаги тўқимачилик фабрикасида меҳнат қилган. Ип йиғириш, тўқув ишларида унга етадиган эпчил ва чаққон мутахассисни топиш қийин бўлган.

2006 йил. **Малика Абдуллаҳўжаева** 60 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш, тиббиёт фанининг долзарб масалаларини тадқиқ этиш, юқори малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшган.

2010 йил. Бувайда туманидаги “Патिलाхон” фермер хўжалиги асосчиси **Патилахон Эргашева** бугдойчилик, пахтачиликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган. Тўнларни тонларга улаб, тиним билмаган онахон ҳалол меҳнат инсонга чин зийнат бағишлашини амалда исботлаган.

2016 йил. Қарши шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабида математика ўқитувчиси бўлиб ишлаган **Мухаббат Шаропованин** кўплаб ўқувчилари республика ва халқаро фан олимпиадаларида муваффақият қозongan.

Ўзбекистонда 10 миллиондан зиёд аҳоли **ОММАВИЙ СПОРТ** билан шуғулланаётгани маълум қилинди.



Ўзбекистонда жисмоний фаолликни ошириш борасида **ЯНГИЧА УСЛУБ** жорий этилади.



Таиландда 20 ёшгача бўлган хоккейчилар ўртасида ўтган жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз **ТЕНГСИЗ** бўлди.

8

№18 | 2025 йил 8 март, шанба

Mahalla

БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!

Рамазон ойи — руҳий ўсиш, огоҳлик ва танага ғамхўрлик қилиш даври. Бироқ кун тартиби ва овқатланиш меъёри ўзгарганда, кўпчилик рўза пайтида машқ қилиш мумкинми ва буни организмга зарар етказмасдан амалга оширс бўладими, деган саволни беради.

БАДАНТАРБИЯ



ХИДОЯТ ЁҒДУСИ

Нуриддин ўролов.
Қашқадарё вилояти:

— Ҳозирги кунда таом ейиш эвазига мукофот қўйиш билан боғлиқ ҳолатлар учраб турибди. Улардаги асосий шарт — маълум миқдордаги таомни фалон муддатда ва фалонча шахс ёйди. Шарт бажарилган тақдирда ютуқ қўлга киритилади. Шу иш жоизми?

ОВҚАТ ЕЙИШДА МУСОБАҚАЛАШИШ ЖОИЗМИ?

Ўзбекистон муслмонлари идораси Фатво маркази:

— Уламолар мукофот қўйилган маҳсулотлар савдоси жоизлиги учун бир қанча шартлар қўйишган. Жумладан, "Бухус фи қазоя фикҳийя муосира" китобида учта шарт айтилган. Улардан бири қуйидагича: "Харидор маҳсулотни мукофотни қўлга киритиш учун эмас, балки ундан фойдаланиш мақсадида сотиб олинсин. Чунки маҳсулот сотиб олишда ундан фойдаланиш мақсади йўқ бўлса, тўлаётган пулни мукофотни ютиб олиш учун бераётган бўлади. Бу ерда молни хатарга қўйиш шубҳаси бўлгани учун бу иш қимор эҳтилолидан холи бўлмайди".

"Агар мижоз таомни охиригача еб қўйса, пул тўламайди, акс ҳолда пулни тўлайди", деб шарт қўйиш дуруст эмас ва бу фосид савдо ҳисобланади. Еб тугатиш ёки тугата олмаслиқдан қатъи назар пул тўлайди, дейилиб, унга мукофот ҳам белгиланса, юқоридagi иборатга кўра, қимор шубҳасига тушиб қолади.

Қолаверса, бундай ишлар динимизнинг бошқа кўрсатмаларига ҳам тўғри келмайди. Чунки одатда харидор мукофот илнжида тезроқ ейишга ҳаракат қилади, ҳаттоки қорни тўйиб кетса ҳам ейишдан тўхтамайди. Динимизда эса тўйгандан кейин таом ейиш жоиз бўлмайди. Фақатгина рўзага қувват йиғиш учун сахарликда ёки меҳмонни хижолат қилмаслик учун бўлиши бундан мустаснодир.

Тез ва меъёридан ортиқ овқатланиш динимиздаги жонни асраб-авайлаш тамойилига зиддир. Бу ҳақда "Фатовои Оламғирия" китобида қуйидагилар келтирилган:

"Ейишнинг бир нечта даражаси бор:

фарз: бу ҳалок бўлмаслик миқдорича ейиш. Агар еб-ичишни қасддан тарк қилиб вафот этса, гуноҳкор бўлади;

савоб оладиган миқдор: фарз даражасидан кўпроқ, тик туриб намоз ўқиш ва рўза тутушига қодир бўла олиш учун ейиш;

мубох: юқоридagидан зиёдроқ, тана куч-қувватга тўйиши учун тўйгунча ейиш. Бунда савоб ҳам, гуноҳ ҳам йўқ. Ҳалолдан еган бўлса, охиратда енгил ҳисоб қилинади;

харом: бунга тўйгандан кейин ҳам ейиш қиради. Аммо эртанги куннинг рўзаси учун куч тўйлаш ёки меҳмон уялиб ейишдан тўхтаб қолмаслиги учун ейилса мубох бўлади".

РАМАЗОН МАШҒУЛОТИ ОРТИҚЧА ЮКЛАМАСИЗ БАЖАРИЛАДИ

Кўпчилиكنинг хатоси — бу даврда машғулотлардан бутунлай воз кечиш ва рўза туфайли фаоллик керак эмас, деган фикр. Аслида, чекланган вақтда нотўғри овқатланиш натижасида, ҳатто ортиқча вазн орттириш мумкин. Рўза ойи нафақат руҳий, балки жисмоний синов ҳамдир. Организм мослашишнинг бир неча босқичларини босиб ўтади: дастлаб у нима бўлаётганини тушунмайди, одамлар овқатланиш тартибини кескин ўзгариради, кундузи оч қолади, кечкурун эса кўп овқат ёйди. Овқатланиш хулқ-атворини қайта қуриш учун тахминан 10 кун керак бўлади. Юкламаларни тўғри тақсимлаш ва дастлабки кунларда ўзингизни ортиқча зўриқтирмаслик муҳим.



Асосий хатолардан яна бири — рўза кунлари ҳам Рамазон ойигача бўлган тартибда машқ қилишга уриниш. Дастлабки кунларда кўпчилик чарчоқни ҳис қилмайди ва фаол тарзда машқ қилишни давом эттиради. Бироқ бир ҳафтадан сўнг организм ҳолдан тояди, қувват ва куч кескин камайтирилади, бу эса жароҳатланишларга олиб келиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун бошида-ноқ юкламани камайтириш, иш ҳажминини қисқартириш ва машғулотлар учун тўғри вақтни танлаш муҳимдир.

Шундай экан, машғулотлар рўза шароитига мослаштирилиши лозим:

- ✓ аэробик машқларни (югуриш, сузиш, гуруҳ машғулотлари) ифторликдан олдин бажарган маъқул, аммо сувсизланишнинг олдини олиш учун 30 дақиқадан ошмаслиги керак;
- ✓ ифторликдан кейин куч машқлари афзалроқ. Аввал сув ва тез ҳазм бўладиган углеводлар, сўнгра ўртача шиддатдаги машқлар.

Рамазонда рекорд қўйишга интиланг, мақсад — ҳолатингизни сақлаб бўлиши лозим. Тошларнинг оғирлигини одатдагидан 70 фоизгача камайтиринг, шунингдек, машғулотлар ҳажминини қисқартиринг. Асосийси, мувозанатни сақлаб, Рамазонга қандай кирган бўлсангиз, шундай чиқинг.

Машғулотлар ҳажмини икки усул билан қисқартириш мумкин:

- ✓ частотани камайтириш — агар ҳафтасига 3 марта машқ қилсангиз, 2 мартага туширишингиз мумкин;
- ✓ юкламани камайтириш — ёндашувлар сонини қисқартириш (масалан, 3-4 ўрнига 1-2).

Аёллар учун тавсиялар афзалликларига қараб фарқланади: кимдир аэробика билан шуғулланади, кимдир вазн билан ишлайди. Бироқ бу ойда мушак массасини сақлаб қолиш муҳим, шунинг учун ҳафтасига камида битта куч машғулоти киритиш лозим. Асосий эътибор юракка қаратилган бўлса ҳам, мушакларга улар кераклиги ҳақида ишора бериш муҳим — бу уларнинг йўқолишининг олдини олишга ёрдам беради.

Агар чарчоқни ҳис қилсангиз ёки гормонал ҳусусиятларингиз бўлса, меъёрида машқ қилинг. Масалан, машғулот вақтини қисқартиринг ва шиддатини камайтиринг. Ҳаракатланиш муҳим, лекин ортиқча юкламаларсиз бажариш мақсадга мувофиқ.

Абдулла
ЖАББОРОВ,
фитнес бўйича
мураббий.

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ

БАҲОРГИ ҚОЛСИЗЛИКНИ ҚАНДАЙ ЙЎҚОТИШ МУМКИН?

Баҳор фасли бошланиши билан кўпчиликда ҳолсизлик ва руҳий толиқиш ҳолатлари кузатилади. Бу организмда моддалар алмашинуви тезлашиши ва витаминларга бўлган эҳтиёж ортishi билан боғлиқ.

Авитаминоз (витаминлар етишмаслиги) сабабли инсон эрталаб уйқудан туришни истамайди. Кўпчиликни ланжлик, уйқучанлик, диққат-этиборнинг сусайиши, руҳий толиқиш, тушқунлик ва бош оғриғи қийнайди. Шу боис бу даврда витаминлар, минераллар, озқали моддалар ва ўсимлик тоаларига бой озиқ-овқатларни тановул қилиш лозим.

Аввало, руҳий қувватни ошириш, тетикликни сақлаб қолиш учун **баҳор менъюсида кўкатли таомлар, сабзавот,**

мева ва резавор меваларга муҳим ўрин берилиши керак. Чунки улар таркибида организм учун зарур бўлган С витамини, озққа толалари, биофлавоноидлар, антиоксидантлар мавжуд. Айниқса, исмалок, ялпиз, мадор, отқулоқ, жағ-жағ каби гиёҳлардан тайёрланган таомлар танада моддалар алмашинуви ва ошқозон-ичак тизимини яхшилайдди.

Шунингдек, С витаминининг керакли дозасини бир порция тузланган қарам, бир ҳовуч музлатилган қора смородина, булғор қалампирининг ярми ва мевалардан олиш мумкин.

Кишда заифлашган организм, айниқса, А, В, Д ва Е витаминларига муҳтож бўлгани сабабли уларнинг ўрнини тўлдириш учун зарур бўлган маҳсулотларни истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ. Мисол



учун, В витамини тўлиқ донли ун, дон, гўшт маҳсулотлари, жигар таркибида, Е витамини ўсимлик мойлари, уруғлар, ёнғоқларда мавжуд. А витамини қаймоқ, сариге, тухум саригида мавжуд бўлса, Д витамини ёғли балиқ ва унинг жигарида бор.

Екатерина БУРЛЯЕВА,
диетолог, тиббиёт фанлари
номзоди.

БИБЛИ ҚЎЙИНГ!

Жийда меваси халқ табобатида кенг ишлатилади. Дармондорилар таркибида унинг меваси билан бир қаторда гули, барглари ва новда пўстлоқлари ҳам қўлланади.

ЖИЙДА – ШИФОБАХШ НЕЪМАТ!



Масалан, мевасининг дамламасидан овқат ҳазм қилиш муаммоларини ҳал этишда, шунингдек, оғиз бўшлиғи касалликларида фориг бўлиш мақсадида ғарғара қилиб, оғизни чайиш йўли билан фойдаланиш мумкин. Барглари ревматизм, подагра ва радикулитни даволаш жараёнида яхши ёрдам беради. Баргларини яна жароҳат ва яраларга боғлаб, шамоллашни олиш ва жароҳат битишини тезлаштиришда фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, у бронхит ва зотилжамни даволайди, балғам кўчириш ҳусусиятига эга, қон босимини туширади ҳамда атеросклероз хавфини камайтиради. Ибн Сино жийдани кўкрак оғриғи, буйрак ва сийдик йўллари касалликларида даво деб билган.

Бироқ қандли диабетли беморлар жийдани эҳтиёткорлик билан истеъмол қилиши тавсия этилади.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.



Ўлчам — 380x587, 4 б.т. 9 200 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-320

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.